**3-6-ИЛОВА**

| | | |
|---|---|---|
| 1. | **ЭМИТЕНТНИНГ НОМИ** | |
| | Тўлиқ: | «ASIA ALLIANCE BANK» акциядорлик тижорат банки |
| | Қисқартирилган: | «ASIA ALLIANCE BANK» АТБ |
| | Биржа тикерининг номи: | AABK |
| 2. | **АЛОҚА МАЪЛУМОТЛАРИ** | |
| | Жойлашган ери: | 100047, Ташкент шаҳри, Махтумқули кўчаси, 2А |
| | Почта манзили: | 100047, Ташкент шаҳри, Махтумқули кўчаси, 2А |
| | Электрон почта манзили: | info@aab.uz |
| | Расмий веб-сайти: | aab.uz |
| 3. | **МУҲИМ ФАКТ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ** | |
| | Муҳим фактнинг рақами: | **06** |
| | Муҳим фактнинг номи: | **Эмитентнинг юқори бошқарув органи томонидан қабул қилинган қарорлар** |
| | Умумий йиғилиш тури: | Навбатдан ташқари |
| | Умумий йиғилиш ўтказиш санаси: | 04.01.2019 |
| | Умумий йиғилиш баённомаси тузилган сана: | 08.01.2019 |
| | Умумий йиғилиш ўтказилган жой: | 100047, Ташкент шаҳри, Махумқули кўчаси, 2А |
| | Умумий йиғилиш кворуми: | 100,00% |

| № | Овоз беришга қўйилган масалалар | Овоз бериш якунлари | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | ёқлаш | | қарши | | бетарафлар | |
| | | % | сони | % | сони | % | сони |
| 1. | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 27.12.2018 йилдаги 1099-ф сонли фармойишини ижро этиш тўғрисида | 100 | 560 000 000 | - | - | - | - |
| 2. | «ASIA ALLIANCE BANK» АТБ акциялар қўшимча чиқарилиши тўғрисидаги қарорни қабул қилиш | 100 | 560 000 000 | - | - | - | - |
| 3. | «ASIA ALLIANCE BANK» АТБ акциялар қўшимча чиқарилиши тўғрисидаги қарорни тасдиқлаш | 100 | 560 000 000 | - | - | - | - |

Умумий йиғилиш томонидан қабул қилинган қарорларнинг тўлиқ баёни:

| | |
|---|---|
| 1. | 1.1. Қуйидагиларни кўзда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 27.12.2018 йилдаги 1099-ф сонли фармойиши маълумот учун қабул қилинсин:<br>«ASIA ALLIANCE BANK» АТБ 2017 йил фаолият натижасида 27,48 млрд. сўм миқдорида ҳисобланган дивидендлар «ASIA ALLIANCE BANK» АТБ Устав фондини 167,48 млрд. сўмгача етказиш билан оширишга йўналтирилсин;<br>Давлат улушига ҳисобланган ва «ASIA ALLIANCE BANK» АТБ Устав фондига йўналтирилаётган 27,48 млрд. сўм миқдоридаги дивидендлар итисно тариқасида солиққа тортилмайди.<br>1.2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 27.12.2018 йилдаги 1099-ф сонли фармойиши ижро этиш мақсадида:<br>05.11.2018 йилдаги навбатдан ташқари Банк умумий йиғилиши қарорига мувофиқ |

| | | |
|---|---|---|
| | | давлат улушига тўланадиган 27,48 млрд. сўм миқдоридаги дивидендлар Банк Устав фондини оширишга йўналтирилсин. |
| | 2. | 2.1. Миқдори 27 481 601 250 сўм бўлган номинал қиймати 250 сўм бўлган 109 926 405 дона оддий эгасиниг номи ёзилган ҳужжатсиз Банк акцияларнинг қуйидаги шартлар билан қўшимча чиқарилишини таъминлаш:<br>жойлаштириш усули - ушбу чиқарилишдаги акциялар Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитасига ёпиқ обуна усулида жойлаштирилади;<br>жойлаштириш даври – қўшимча чиқарилиши тўғрисидаги қарор қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли органида рўйхатга олинган кундан этиборан бир йил;<br>жойлаштириш тартиби – акциялар тўлиқ миқдорда Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитасига ёпиқ обуна усулида биржадан ташқари тартибга солинмаган бозорда фуқаровий-ҳуқуқий битимлар тузилиши ва уларнинг Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсида қонунда белгиланган тартибда рўйхатга олиниши орқали жойлаштирилади. Ушбу чиқарилишдаги акцияларни жойлаштириш андеррайтер жалб қилинмасдан амалга оширилади;<br>ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштириш нарҳи – бир дона акция учун 250 сўм;<br>акцияларни тўлаш шартлари ва тартиби – акцияларни тўлаш давлат улушига ҳисобланган дивидендлар орқали амалга оширилади;<br>Акциялар қўшимча чиқарилиши тўғрисидаги қарор қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли органида рўйхатга олинган кундан этиборан бир йил муддатда акцияларнинг умумий ҳажмниг 60% кам ҳажмда жайлаштирилган тақдирда ушбу акциялар чиқарилиши амалга ошмаган деб топилади.<br>Акциялар чиқарилиши амалга ошмаган деб топилган тақдирда Банк томонидан ушбу ҳолат тўғрисида расмий билдиришномани оммавий ахборот воситаларида, шу жумладан ўзининг корпоратив веб-сайтида ва Корпоратив ахборот ягона порталида эълон қилади.<br>Акцияларга тўлов сифатида олинган маблағлар акциялар чиқарилиши амалга ошмаган деб топилган санадан 10 кун ичида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қайтариб берилади. |
| | 3. | 3.1. «ASIA ALLIANCE BANK» АТБ акциялар қўшимча чиқарилиши тўғрисидаги қарор тасдиқлансин.<br>3.2. «ASIA ALLIANCE BANK» АТБ (Абдуқаҳоровга) «ASIA ALLIANCE BANK» АТБ акциялар қўшимча чиқарилишини давлат рўйхатидан ўтказиш учун зарур ҳужжатларни ваколатли давлат органига тақдим қилинишини таъминлаш. |

Бошқарув Раиси — Абдукахоров Икрам Абдухаликович

Бош бухгалтер — Шарипов Дилмурод Пулатович

Ғазначилик бошқармаси бошлиғи — Садиров Дурбек Мейлижонович